

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 160 (10.213)

2004 йил 19 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **ЭРТАГА** Собир Рахимов туманидаги «Чарқалак» қаҳраонасида шахримизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида Мустақиллик айёмининг 13 йиллигига бағишлаб «Хамжихатлик — улугъ неъмат» мавзюда тadbир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиди Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида март ойида содир этилган террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатлари ва терроризмга қарши курашда ҳамжихат бўлиш масалаларига бағишланган тadbир ўтказилди.

● **ЎТГАН** кунни Миробод туманидаги 263-мактабда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар» қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш масаласига бағишлаб ўтказилган тadbирда «Мустақиллик» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

● **ЯНГИ** ўқув йили арасида Юнусобод туманидаги 260-мактаб биноси таъмирланди. Мазкур туманда жойлашган 97-мактабга ўқув қўлланмалари, замонавий компьютер технологиялари, стол-стуллар келтирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон енгил саноати пахта тозалашни қайта ишлаш соҳасида кўп асрлик анъанага эга бўлиб, машҳур Буёқ Ипак йўли ҳам юртимиз худудидан ўтган. Ўзбек хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар, айниқса ип-калава ҳамда бетақор матолар жаҳоннинг жуда кўплаб давлатларида машҳур бўлган.

Мустақиллик медалари



ТАНИШИНГ, ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА: «САФБОН-ТЕКСТИЛЬ»



Айниқса, мустақиллик йилларида республикамиз енгил саноатида сезиларли сон ва сифат ўзгаришларига эришилди. Миллий ифтихоримиз ҳисобланган пахта хом ашёсини хом ашё кўринишида эмас, балки уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотишга эътибор қаратилди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, пахта хом ашёсини эмас, балки барча давлатлар сингари уни қайта ишлаб, тайёрланган маҳсулот-

публика раҳбариятининг курсатган муҳим кўмаги мустақиллик йилларида республикада пахта толасини қайта ишлаш ҳамда хамжи умумий тайёрланган тола-нинг 10 фоизидан 29 фо-

лар савдосини ташкил этишга катта аҳамият қаратилди. Хукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш, шу билан бирга рес-

изигача ошишига имкон яратди.

Маълумки, мустақилликка эришганимизга қадар асосан мамлакатимиздан жўнатилган арзон хом ашё — пахта толаси собиқ иттифоқ республикаларида бирида қайта ишланиб, яна ўзимизга тайёр маҳсулот сифатида бир неча баробар қимматига олиб келинарди.

Давоми 2-бетда.



XXI саҳоси

Барча маълумотлар
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлисда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзини бошқариш органлари қўмитаси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази ташаббуси билан «Икки палатали парламент сайловлари арасида Ўзбекистон электорати (социологик таҳлил)» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Кеча Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

● Сурхондарё вилоятининг Сайхунобод туманида Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арасида сутни қайта ишлашга ихтисослашган «Сайхунсўт» цехи ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда бир кеча кундузда 4 тоннагача сут қайта ишланади.

● Биологик усулда ишлов беришнинг самараси ўлароқ Хоразм вилояти, Шовот туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги далаларида гўза ўтган йилгига нисбатан бир ой олдин ўз кўсакларини очди.

● Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида «Камолот» ЁИХ ва БМТнинг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Россия Президентининг Сочидида резиденциясида кеча Россия президенти Владимир Путин ва Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида музокаралар бошланди.

● Нигерия Президенти Олусегин Обасанджо Суданнинг Дарфур музофотида бир ярим минг нафар ҳарбийни жўнатиш режасини тасдиқлашни сўраб, Миллий ассамблеяга мурожаат қилди.

● Литва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш мақсадида НАТО андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ҳаво ҳужумига қарши янги тизим ўрнатди.

● АҚШ Миллий аэрокоинот агентлиги — НАСАнинг маълум қилишича, Сатурн сайёрасини тадқиқ қилаётган Cassini фазовий аппарати аввал фанга номаълум бўлган иккита йўлдош-ни кашф этган.

Олимпиада — 2004



ATHENS 2004

Тўлашбойнинг ҒАЛАБАСИ

XXVIII
Олимпиада
ўйинларида
боксчилари-
миз кўрса-

таётган натижалар кўпчиликини лол қолдирмоқда. Афинада ҳали Ўзбекистон боксчиларининг бирортаси ҳам мамлакатига учрамади. Республикамиз «Чарм кўлқоп усталари» юз фоизлик натижа кўрсатаётган кам сонли жамоалардан. Ўтқирбек Хайдаров, Шерзод Абдурахмонов, Шерзод Хусанов ҳамда Беҳзод Хидиров дастлабки жанглarda муваффақият қозонган эди. Энди уларнинг қаторига Тўлашбой Дониёров ҳам қўшилди.

Хамюртимиз филиппинлик Осие чемпиони Виллетта Пайлога қарши рингга чиқди. Оқолар ҳисобида катта фарқ билан олдинга чиқиб олган Тўлашбой ик-

кинчи раундда рақибини ноқда-унга учратди.

— Пайло билан ўзига яраша ҳисоб-чиқибм бор эди, — деди жангдан сўнг Т.Дониёров ўзА мухбирига. — Илгари унга икки жангда — Осие ўйинлари ва кўтга чемпионатида ютқазиб қўйгандим.

Бу сафар мубарбийим Лочин Кўчоровнинг курсатмаларига қатъий амал қилганим панд бермади — асосий рақибларимдан бирини мусобақадан чиқариб юбордим. Энди навбатдаги жанг 21 август кунини америкалик Рон Сайлерга қарши ўтказаман.

Дзюдочимиз Вячеслав Перетейко, академик эшакка эшувчилар Владимир Черненко ва Елена Усарова дастлабки беллашувларда имкониятни бой бериб, совринли ўринлар учун курашаётган спортчилар сафини тарқ эди.

ЎзА

«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси 2004 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тижорат банклари молиявий фаолияти рейтинг баҳолари якунларини тақдим этди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИ

Рейтингда мамлакатимиздаги 32 та банкдан 29 таси иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки унда умумий шартлар асосида қатнашишга қарор қилди.

Хисобот даврида деярли барча тижорат банклари ўз молиявий ҳолатини мустаҳкамлади.

Йирик банклар гуруҳида кўла-м бўйича Миллий банк пешқадамлик қилмоқда. Ўрта гуруҳда биринчи ўринни «Хамкорбанк», кичик гуруҳда «Универсал-банк» эгаллади.

Ишончлилиқ бўйича ўринлар куйидагича тақсимланди: йирик банклар орасида олдинда — «АБН АМРО банк», ўрта банклар орасида — «Кредит Стандарт» банки, кичик банклар орасида — «DAVR-BANK».

Рентабеллиқ бўйича йирик

банклар орасида «Фалла-банк» олдинда. Ўрта банклар гуруҳида «Алп Жамол банк» етакчилиқ қилмоқда. Кичик банклар гуруҳида эса «DAVR-BANK» биринчи бўлиб турибди. Аксарият йирик банклар бу кўрсаткич бўйича аҳолини яхшилади, айна пайтда кўпчилиқ ўрта ва кичик банкларда бу кўрсаткич ёмонлашди.

Йирик ва кичик банклар жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан ўз якуний рейтинг балларини оширишди. Мазкур рейтингда тижорат банклари ташкилий-хуқуқий мақомига қараб гуруҳга бўлинган. Бу эса банкнинг нафақат гуруҳ ичидаги, балки умуман банк муҳитидаги ўрнини яққол кўриш имконини беради. Биринчи чорак якунларига кўра «Фалла-банк», «Хамкорбанк» ва «DAVR-BANK» мамлакатимизнинг энг яхши банклари деб топилди.

Иқтисодиёт

ТУРЛАРИ
КЎПАЙМОҚДА

Хитой давлати билан ҳамкорликдаги «Чевар» қўшма корхонасида асосан аҳоли эҳтиёжи учун зарур кийим-кечаклар ишлаб чиқарилиб, корхона маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Айни пайтда корхонада 90 нафардан зиёд моҳир тикувчи, бичувчи ва мутахассислар фаолият юритишади. Корхонанинг бозор талабини ўрганган ҳолда мавсумбон ва замонавий турдаги кийим-кечак маҳсулотлари маҳаллий хом ашёдан тайёрланган бўлиб, ички бозорда ўзининг муносиб ўрнига эга.

— Корхонамизда шунингдек, қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди «Чевар» қўшма корхонаси раҳбари Азиз Каримов. — Асосан чиқинди қоғозлардан замонавий технологиялар ёрдамида бир йилда 10 тонна қоғоз маҳсулотлари тайёрлаб, сотувга чиқарилган. Тўғриси, қайта ишланган маҳсулот сифат жиҳатидан унчалик юқори бўлмасада, аммо қадоклашда ниҳоятда қўл келади. Ҳозирда шаҳримиздаги бир неча ишлаб чиқариш корхоналари буюртмаларига кўра иш олиб бормоқда. Мақсадимиз корхонамиз маҳсулот турларини янада ошириш ҳамда ички бозоримизни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиршидир.

ШАРТНОМА
АСОСИДА
ЕТКАЗИЛАДИ

Шаҳримиздаги «Улғунезмат» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бугунги кунда 32 хилдан ошқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқимизда дастурхонини тўлдирмоқда.

Германиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхонада айни дамда 60 нафар ишчи-хизматчи иш олиб боради. Умумий ишлаб чиқариш қуввати 20 тоннани ташкил этган корхонада бир йилда 4000 тоннага яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Ҳозирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз шаҳримизнинг барча нон дуконларига тарқатилади, — дейди корхона раҳбари Қобилжон Аҳмедов. — Шунингдек, «Ниязова», «Асал», «Муҳаммадризо», «Абдукарим ота» ҳусусий фирмаларига шартнома асосида нон маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз.

Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган корхонанинг мазали ва бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотларининг тури эндиликда яна бир неча баробарга ошади.

Орзугул РУСТАМОВА

Давоми. Боши 1-бетда.

Ҳозирги кунда эса ушбу тармоқ олдида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратган ҳолда, ички қайта ишлаш ҳажмини 50 фоизгача ошириш вазифаси турибди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, шу жумладан хорижий инвестициялар республикадаги мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва жаҳон бозорига замонавий рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашга йўналтирилмоқда. 1995 йилдан бошлаб соҳага 800 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилиб, 44 та лойиҳа амалга оширилди. Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ давлатлари билан ҳамкорликда 25 та қўшма корхона ташкил этилди. «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси экспортнинг умумий ҳажмида қўшма корхоналар экспортнинг солиштирма ҳажми 2003 йилда 17 фоиздан 77 фоизгача ўсди ёки 10 миллион АҚШ долларида 154 миллион АҚШ долларида етди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида қўшма корхоналар томонидан 109 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинди. Албатта, енгил саноат тармоқларининг йилдан-йилга ривожланиб бориши ҳамда янги корхоналарнинг ташкил этилиши билан қўшимча равишда ташкил этилган янги иш ўринларининг сони ҳам тобора ўсиб боради. Чунинчи, 1994 йилда 150 га яқин иш ўринлари ташкил этилган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг сони 14 мингтадан ошди. Бу эса ўз навбатида кишлоқ жойлардаги аҳоли бандлигининг ошишига имкон туғдирди.

Келгусида тармоқни янада ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг март ойида ҳукумат қарори билан ишлаб чиқаришнинг техник даражасини тубдан ўзгартириш ва жаҳон бозорига мустахкам рақобатга киришишга имкон берувчи «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компаниясининг 2004-2006 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури маъқулланди.

Техник жиҳатдан қайта қуrollаниш ва қўшма корхоналарни ташкил этиш бўйича 2004-2006 йилларга мўлжалланган дастурнинг амалга оширилиши 608,4 миллион АҚШ доллариға тенг, шу жумладан инвесторларнинг шахсий маб-

лағлари ҳисобига 305,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни жалб этиш йўли билан тармоқ корхоналарини техник қайта қуrollантиришни кўзда тутди.

Мустақиллик медалари

ТАНИШИНГ, ЯНГИ
ҚЎШМА КОРХОНА:

«САФБОН-ТЕКСТИЛЬ»

Инвестиция дастури 2006 йилга келиб 33 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга имкон яратди. Улардан кўпчилиги биринчи босқичнинг ўзидабк чуқур қайта ишлаш ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини чиқаришни кўзда тутди. Бу эса босқичма-босқич пахта толасини қайта ишлаш ҳақларини қўшимча равишда 197,0 минг тоннага, пахта толасидан йиғирилган ип ишлаб чиқаришни 151,0 минг тоннага, ип-газлама матолари чиқаришни 74,6 миллион погон метрга, трикотаж полотносини 27,4 минг тоннага, тайёр маҳсулотларни 215,0 миллион донага оширишга олиб келади.

Инвестиция дастурининг ҳаётага татбиқ этилиши тармоқнинг экспорт салоҳиятини босқичма-босқич 350 миллион АҚШ доллариға ошириш имконини беради, Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларга халқаро савдода иштирок этиш учун кенг йўл очади.

Пойтахтимизда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида эса ана шундай корхоналардан яна бири — Собир Раҳимов туманидаги Сағбон кўчасида қисқа муддатларда қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилаётган «SAG'BON TEKSTILE ENTERPRISES LTD Co» ўзбек-турк қўшма корхонасидир. Аввало шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, қисқа муддатларда қад ростлаган корхона биносини талаблар даражасида бунёд этишда «12-трест» акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўма колоннаси қурувчилари ғайрат-шижоат кўрсатишди. Лойиҳа асосидаги барча ишларни сидқиқилдан адо этишда эса 20-қурилиш бошқармаси, 3-механизация бо-

шқармаси, «Чирчиқэлектромонтаж» корхоналари ишчи-хизматчилари фаоллик кўрсатишди.

Корхонанинг таъсисчилари Ўзбекистон томонидан Тош-

сармоядорларга яратилаётган қулай шарт-шароитларни намойён этиб, шериклар билан ҳар томонлама алоқаларни мустахкамлашди.

Албатта, корхонада меҳнат қилувчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларни касбга йўналтириш, ҳунар сирларини мукаммал ўргатиш, энг замонавий тўкув ва тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқаришларини таъминлаш мақсадида ҳозирда яқин маҳаллалардан танлаб олинган 400 нафарга яқин аёллар пойтахтимиздаги «Шайхонтоҳур-текстиль» қўшма корхонасида малака эгаллашди. Эндиликда улар янги қўшма корхонага ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар билан бемалол тиллашиб, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли турли-туман трикотаж маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришга муносиб ҳисса қўлишади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги бундай замонавий жиҳозланган корхоналар сонининг ортиб бориши, бозор қоньоктурасини ўрганиш асосида маҳсулот турларининг кўпайиши, аҳолининг банд бўлмаган қисми учун қўшимча иш ўринларининг яратилиши, республикамизнинг бир вақтлар хом ашё етказиб берувчи давлатдан, иқтисодиёти юксалаётган улкан мамлакатга айланаётгани — буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

— Мана шундай кўркам ва замонавий корхонанинг бизнинг туманда иш бошлаши мен каби кўпйаб иш қизларни қувонтиради, — дейди Гулбаҳор Назарова. — Насиб этса дугоналарим билан шу даргоҳда иш бошлаймиз, хорижий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқарамиз. «Исон қўли гул» деган иборани амалда мустахкамлаб, чиройли, бежирим, сифатли кийим-кечаклар тикамиз. Яна энг қувончлиси, биз тайёрлаган маҳсулотлар хорижий харидорларга ҳам тортиқ этилади. Ахир бундан қувонмай бўладими?! Негаки, тоза ва озода иш жойимиз, ўз иш қиймиларимиз, яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари мавжуд бўлади. Ойла-мизга ҳам фойдаимиз тегади. Мустақил юртимиз ривожига ҳам ҳисса қўшамиз.

Ҳа, янги корхонанинг бўлажақ ишчилари ҳам эзгу ниятларни қалбларига ҳо этишган. Бундан кўриниб турибдики, келажакда ҳамжиҳатлик, албатта, самара беради.

Шарифа ИЛЁСОВА

Олий Мажлисида

БЎЛАЖАК САЙЛОВГА
БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлисида икки палатали парламентнинг сайлаш арафасида Ўзбекистон электорати (социологик таҳлил)га бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Таъдир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бешламалари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, социолог, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар, халқро ташкилотлар ҳамда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев, парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убай-

дуллаева маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мустахкамланган сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясидандир. Сайловчилар ўз иродаларини эркин ифода этиш ва овоз беришнинг сир тутилиши ҳуқуқига эга. Бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосига қурилади. Хар бир сайловчи сайлов жараёни давомиди сайлов округлари ва участкаларининг тузилиши, сайлов комиссияларининг таркиби ва уларнинг иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатдан ўтказиш ақунларига, овоз бериш ва сайловларга оид ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга экани қайд этилди.

Хар бир фуқарога ўз сайлов ҳуқуқларини судда ҳимоя этиш, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний хат-

ти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имконияти кафолатланади.

Йиғилишда икки палатали парламентнинг сайлаш арафасида ўтказилган йиғилимий сўров натижалари юртимиз фуқаролари Олий Мажлиси бўлажақ сайловдан, мамлакат парламенти ислоҳ қилинишидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» қонундан хабардор эканини кўрсатгани қайд этилди. Сўров давомиди аҳолининг Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятдан хабардорлик даражаси, фуқаролар кимларни бўлажақ депутатлар сифатида кўрмоқчи экани, қайси оммавий ахборот воситалари ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланиши аниқланди.

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолиятининг фаоллашиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Фуқаролик жамияти ривожланишининг мазкур босқичида бўлажақ сайловларнинг натижалари учун бутун жамиятнинг масъулияти янада ошади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилаётган сайлов ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим босқич экани алоҳида қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Шу йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бошланади. Бундай тадбирнинг мамлакатимизда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётганлиги ҳалқимизнинг кунчиқар юрт урф-одатлари ва маданиятига қизиқишини тобора ортирмоқда.

Ўзбек халқи бир ой мобайнида қадимги ва замонавий япон санъатининг ўзига хос қирралари билан танишадилар. Япония маданияти кунлари дастуридан қизиқари кинофилмлар, замонавий ва анъанавий япон мусиқаси концертлари, оригами дарслари, япон гулчилик санъати — икбана ўрин олган.

Икки мамлакат маданий алоқаларининг ривожланиши одамларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, шунингдек, уларнинг япон санъатини аjoyиб намуналари билан танишишлари имкон беради. Бу ўзаро қизиқарли икки мамлакат муносабатларини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Маданият кунларининг ҳар бир тадбири эса турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Туркистон-пресс”

Маънавий

ЯНГИ ДАРСЛИК ВА КЎЛЛАНМАЛАР

Янги ўқув йили олдидан бир нечта дарслик ва услубий кўлланмалар яратилди. Улардан аксарияти босмадан чиқиб, мактабларга тақдим этилди.

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам янги ўқув йилига совғалар ҳозирлади. Рангли суратлар билан бойитилган бу нашрлар орасида мактабларнинг бошланғич синфлари учун мўлжалланган мусиқа фанидан яратилган Дарсликлар ҳам бор. Адабиёт дарсларида фойдаланиладиган ўқув адабиётлари ҳам нашрдан чиқди. Бундан ташқари «Зардушти технологияси», «Хор партитура-сини ўқиш» деб номланган ўқув кўлланмалари ҳам босма юзидан кўрди.

НУФУЗЛИ СТИПЕНДИЯ СОВРИНДОРЛАРИ

Германиядаги «Сименс АГ» концерни томонидан таъсис этилган махсус стипендия Тошкент Давлат техника университетининг бир йўла уч нафар иштидорли талабасига бериладиган бўлди.

Ҳап шундаки, бу олий ўқув юрти немис диёридаги Гамбург-Харбург техника университети билан яқин алоқа боғланган. «Сименс АГ» концерни эса мазкур олий ўқув юртининг толиби илмларини ўз стипендияси билан таъминлаб келмоқда.

Тошкент Давлат техника университети учун ажратилган стипендиялар ҳам шу лойиҳа доирасида амалга оширилди.

Стипендия совриндорлари учун ташкил этилган танлов Гамбург-Харбург университетининг профессори Ханно Шаумбург бошчилигидаги комиссия томонидан ўтказилди. Ғолиб ёшлар янги ўқув йилида Германияда ўқишни давом эттирадилар.

Аҳмад АББОСОВ

Янги ўқув йили олдидан

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жамият тараққиёти кўп жиҳатдан фуқароларнинг маънавий баркамоллигига боғлиқ. Бу борада халқ таълими соҳаси ходимлари зиммасидаги вазифалар ниҳоятда масъулиятлидир. Эътироф этиш керакки, давлатимиз томонидан халқ таълими тизимига алоҳида эътибор берилиб, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармонга асосан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳам ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари учун мактабларда барча шарт-шароитларни яратиш, мактабларни аввало капитал таъмирлаш, уларни жаҳон андозаларига мос ускуналар билан жиҳозлаш зарурлиги қайд этилган.

Янги ўқув йили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Мамлакатимизда янги ўқув йилига қизгин тайёргарликлар бормоқда. Яқинда шахримиздаги 110-мактабда Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Ўзбексавдо» акциядорлик уюшмаси ва шаҳар савдо департаменти томонидан шаҳар умумтаълим мактаблари ҳар умумтаълим мактабларининг овқатланиши ташкил этишга доир семинар бўлиб ўтди. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчиларини арзон, сифатли ва тўйимли иссиқ овқат билан таъминлаш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Йиғилишда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, савдо департаменти ва шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари, туманлардаги ўқувчиларни овқатлантириш комбинатлари раҳбарлари ва шахримиздаги барча умумтаълим мактабларининг директорлари қатнашдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Анвар Зокиров, шаҳар савдо департаменти бошлиғи Равшан Абдумажидов, 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова, Юнусобод туман ўқувчиларни овқатлантириш

комбинати раҳбари Баҳром Фафуров ва бошқалар сўзга чиқиб, 2004-2005 ўқув йилида бошланғич синф ўқувчиларини, шунингдек, фартаъминланган оилалар фарзандларини иссиқ нонушта билан таъминлаш масалалари борасида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиришди. Шунингдек, айрим мактаб ошоналаридаги электр жиҳозларини янгилашга алмаштириш, ўриндиқларни янгилаш зарурлигини, баъзи мактаблар ошоналари талаб даражасида эмаслиги, бу каби муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш лозимлигини қайд этишди.

Асосий мақсад, соғлом авлодни ҳар томонлама бақувват, илмли қилиб қамолга етказиш экан, албатта уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга барчамиз масъулимиз.

Дилором ИКРОМОВА

Бугунги кунда ким ҳам ўз хонадонини замонавий ва чиройли таъмирлашни истамайдиган бўлсин. Бу ҳам яхши яшашга интилиш, фаровонлиқнинг бир кўринишидир.

Тадбиркорга тоғе ёр

КАТТА АҲАМИЯТГА МОЛИК

Хусусий тадбиркор Хуршид Раҳимов ўзининг 12 йиллик фаолияти давомида мана шундай ҳамюртларимизга кўмак бериб, бунёдкорлик ишларига муҳим ҳисса қўшаётган ишбилармонлар сирасига қиради. У Собир Раҳимов тумани ҳудудида тадбиркорликка қаратилган эътибордан унумли фойдаланиб очган кичик сехда маҳаллий хом ашёдан рангбаранг фасад бўёқлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Ҳозирда буюртмага асосан Россиядан келтирилган ускуналар ёрдамида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришаётган хусусий тадбиркор келгусида ўз бўёқларини жаҳон андозалари даражасида қадоқлашга эришиб, хорижга экспорт қилишни ҳам мақсад қилиб қўйган.

— Кунни кеча Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилгани жуда катта аҳамиятга эгадир, — дейди Хуршид Раҳимов.

— Юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан микро-фирмалар, кичик ва хусусий корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштиручи ушбу нодавлат ношароит ташкилот ўз олдида қўйилган вазифаларни сийдиқидан адо этса, бу иқтисодиётимиз раванқига муҳим ҳисса бўлади.

Зеро, тадбиркорликка қаратилган эътибор иқтисодий раванқ, халқимиз фаровонлиги ўз-ҳаракатларидир. Уйлайманки, янги ташкил этилган савдо-саноат палатаси бу борада тадбиркорларга ҳақиқий мадад бўлади.

Йўлидаги таълимий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Дилфуза ҒАНИЕВА

СУРАТДА: хусусий тадбиркор Хуршид Раҳимов.

Саноат

ЯНГИ АГРЕГАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синовлардан ўтказиш Республика Давлат марказида янги агрегатлар бўйича кўргазмалар тез-тез ўтказиб турилади.

Навбатдаги бундай тадбирда Россиядаги «Агромашхолдинг» компанияси маҳсулотлари намуналари намойиш қилинди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Россия компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу экспозицион кўрикда «Красноярск комбайн заводи», «Волгоград трактор заводи», «Олтой мотор заводи» каби корхоналар ўз агрегатлари билан қатнашдилар.

Бу хил қудратли техникалар орасида «BT-150» русумли тракторлар, «Енисей-1200 НМ» русумли

комбайнлар ҳам бор эди. Шу техникалар республикамиз дала шароитида ишлатилиб, таъриба-намуна синовидан яхши ўтганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Биргина «BT-150» тракторларидан 200 дан ортиғи ҳозир механизаторлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Ушбу тадбир доирасида «Агромашхолдинг» корхоналари қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги моделлари деган анжуманда бу хил агрегатларни республикамизга олиб келиш масаласи ҳам кўрилди.

Ақбар АЛИЕВ

Шу ойдан бошлаб Тошкент кўчаларида Екатеринбургдаги «Уралтрансмаш» корхонасида ишлаб чиқарилган «Спектр» русумли учта трамвай юра бошлайди.

«СПЕКТР» ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасидан маълум қилишларича, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ибодуллоев ва «Уралтрансмаш» бош директори Юрий Комратов ўртасида шу борада шартнома имзоланди.

Ш.Ибодуллоевнинг таъкидлашича, мазкур трамвайларнинг юксак сифати, замонавий қириниши ва қулай нархлари ўзбек транспортчилари диққатини тортди. Мамлакатимиздаги электр транспорт корхоналарининг мутасаддилари трамвайнинг ички ва ташқи безатилишида миллий ранглар устуворлигига эътибор қаратишди.

«Уралтрансмаш» трамвайлари шу йилнинг август-сентябрь ойларида пойтахт кўчаларида синовдан ўтказилади. Қўзда эса ҳамкорлар шартнома миқёси, махсулотни етказиб келиш муддатларини келишиб оладилар.

Бугунги кунда икки ярим миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган пойтахтимизда 175 та трамвай хизмат кўрсатмоқда.

“Туркистон-пресс”

КАДРЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида ўрта махсус, касб-хунар таълими учун педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бошланди.

Икки кун давом этадиган мазкур анжуман Осиё тараққиёт банкнинг (ОТБ) «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» доирасида ташкил этилди.

Унда қатор вазирлик ва қўмиталар, касб-хунар коллежларининг раҳбарлари, педагоглар ҳамда ОТБ лойиҳаси мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хунар тизими маркази директори Жуманазар Ҳусанов Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга ижтимоий таътиб этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбар ходим, мутахассис ва ўқитувчининг барча қуч-қайрати таълим самарадорлигини оширишга қаратилмоғи зарурлигини таъкидлади.

Касб-хунар таълими тизимидаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари замонавий биналар ва ўқув жараёни учун зарур энг янги жиҳозлар билан таъминланмоқда. Айни пайтда замонавий дарсхоналарда ўқувчиларга назарий ва амалий билим ҳамда қўникма бера оладиган, замонавий таълим технологияларини яхши ўзлаштирган кадрларга эҳтиёж катта. Бу эса, айтиш чоғда педагог-кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва муҳандис-педагогларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишга катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Осиё тараққиёт банкнинг номи зикр этилган лойиҳаси бош режасига асосан мамлакатимизда амалга оширилаётган тўқикизта дастур бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 258 нафар раҳбар, ўқитувчи ва илмий ходимнинг хорижда малакасини ошириш режалаштирилган.

Конференцияда таъкидланганидек, шу кунгача 30 раҳбар ва 104 нафар педагог ходим Австралия ва Индонезияда малака ошириб қайтган. Эндиликда уларнинг сони янада кўпаяди.

ЎЗА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИБ
ДОМО БИЛУР...

• Бир одам ўзининг қилган хато ишларини, камчиликларини бўйнига олиб эътироф қилса, унинг икром ва эътирофи, тавозе, камчиликларини дўстларига айтиб юриши — соддадиллик қилган хатоларидан пушаймон еб, ўз-ўзини тегрashi — улуғлик асаридир.

• Меҳмондорчиликка қақирилмаган бўлса ҳам қақирилганлар билан бирга бориш, овқатга ҳаммадан илгари қўл чўзиш, икки киши сўзлашиб турганда орага суқилиб, уларнинг сўзларини бўлиб сўзга киришиш, ўз мартабаси, даражасидан юқори чиқиб ўтириш — инсонга пастлик, тубанлик келтиради. Бу ишлар инсоннинг обрўсини тўкади.

• Ҳиндистонлик олимлардан Ашраф Али айтади:

Анушервон Одилнинг лочини ўз боғичини узиб, бир кампирнинг уйига учиб тушди. Кампир ушлаб олиб оч қолган бўлса керак деб ўйлаб лочиннинг олдида бир ховуч дон сепди. Гўштхўр лочин донга илтифот қилмаганини кўрган кампир:

— Бу боёқиш қўшнинг тумшуги эгри, шунинг учун донни териб олиб ея олмай туради, энди унинг тумшугидан эгри жойини кесиб олиб, тузатиб қўйишим керак, — деган хаёл билан лочиннинг тумшугини кесди. Кейин бирдан унинг тирноқларига кўзи тушиб қолди:

— Шўрлик қўшим, тирноқларинг жуда ўсиб кетгани учун юролмай, қийналиб қолганга ўхшайсан, кел, сени тирноқ азобидан ҳам қутқариб қўя қолай, савоб бўлади-ку, деб лочиннинг ҳамма тирноқларини туб-томиридан сугуриб олди. Шу билан бечора лочини ҳалокатга етказди.

Анушервоннинг одамлари лочинни ахтара-ахтара уни кампирнинг уйдан ўйиб қўли ҳолда топдилар, бу қайғули воқеадан Анушервонни хабардор қилдилар. Анушервон лочиннинг ўлганига кўп афсусланиб қайғурди. Унинг вазирларидан бири:

— Бу кампирга жазо бериб, унинг ҳам тирноқларини сугуриб олиш керак, — деди, иккинчи вазир кампирни зиндонга ташлашга маслаҳат берди, учинчи бир вазир эса яна бошқача бир жазони таклиф қилди. Анушервон вазирларининг сўзларига илтифот қилмай айди:

— Кампирга жазо бериш тўғри эмас, жазо берсак, зулм, адолатсизлик қилган бўламиз, чунки кампирда ҳеч бир айб йўқ. Лочин ўз қадрини поймол қилиб кампирдан гўё ёрдам талаб қилгандек унинг уйига учиб тушди. Нодон кампир лочиннинг кадр-қимматини қаердан билсан? У лочинга ачиниб ўз ақл, тушунчасига мувофиқ ёрдам кўрсатмоқчи бўлди. Фақат унинг ёрдамини «қош қўяман деб кўз чиқарганга» ўхшаш лочиннинг ҳалокати сабаб бўлди. Бу воқеадан ҳаммамиз ибрат олишимиз керак. Ҳар бир киши ўз қадрдонини ташлаб, кадр-қиммати нима эканини тушунамган киши ёнига бориб, унга ўз ихтиёрини ташласа, ўзининг ҳалокатига сабабчи бўлади, лочиннинг ҳолига тушади.

БАЙТ:

Сақла қадру қимматинг-ни эй ўғул,
Ҳикмат аҳли сўзларини қил қабул.

Назм қишани

ДИЁРИМ

Тонг уйғонар бағрингда яйраб,
Сенга доим парвона қуёш.
Қутлар бугун тасанно айлаб,
Кўксиди қўл, дўсти ёр қардош!

Азиз элим тинчлик шиоринг,
Меҳр-мурувватга тўлиқ диёрим.

Юрт тўйига доvon ўтишиб,
Олислардан қарvon келади,

СЕНСИЗ МЕНГА...

Кунларимни тунларга
улаб мен бедор.

Ҳар кунни сени ўйлаб
Яшайман эй ёр.

Сен олган ҳаводан

Оламан нафас

Сенсиз менга бу дунё

Кичик бир қафас

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарихида XX аср: воқеалар, тенденциялар ва сабоқлар» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро ассоциацияси ҳамда Осиё маданияти ва тараққиёти институти (Жанубий Корея) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Россия, Жанубий Корея, Озарбойжон, Польша, Қозғистон, Қирғизистондан келган тарихчи, археолог, энтолог, манбаъшунос, санъатшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, тилшунос, сиёсатшунос олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

«Умумбашарий воқеалар ва йўналишлар».

Форум тадбирлари доирасида яқинда Москвадаги Марказий рассомлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибой Изентаев асарлари кўргазмаси намоиш этилди.

Кўргазма очилиш маросимида иштирок этган Россия зиялиларининг вакиллари қорақалпоқ рассоми ижод намуналарига юқори баҳо беришди. Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси ижрокўмининг раиси М.Фаткуллин, ушбу конфедерациянинг ўзбек ада-

Мақсадлари равон тўлишиб
Бошлаб уни сарбон келади.

Азиз элим бирлик шиоринг,
Меҳр-мурувватга тўлиқ диёрим.

Миллатларинг бўлиб муштарак,
Яшар иноқ бир тану бир жон.
Буюк айём бўлсин муборак,
Онажоним, ҳур Ўзбекистон!

Азиз элим дўстлик шиоринг,
Меҳр-мурувватга тўлиқ диёрим.
Рустам ХҲЖАЕВ

Бу дунёга ёлғиз келдим,
Ёлғиз кетаман.
Ҳасратларим ўзим билан,
Олиб кетаман.
Сенинг қалбинг тирнамайман,
Ўтмишим билан.
Ўтган куним кетган куним,
Кўз ёшим билан.

Зухра АЗИМОВА,
П.Ф.Боровский номили
тиббиёт билим
юртининг 3-курс талабаси.

ҚОРАҚАЛПОҚ РАССОМИ
КЎРGAЗМАСИ

Шу йилнинг март ойида Москва шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси таъсис этилган эди. Жамғарма томонидан уюштирилган илк тадбирлардан бири Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлпберген Қайпбергенов қаламига мансуб «Писъма на тот свет. Дедушке» («У дунёга, бобомга хатлар») китобининг тақдими бўлди. Тез орада муаллиф ушбу асари учун М.Шолохов номидаги халқаро мукофотга лойиқ деб топилди.

Биёти кенгаши раиси Г.Резниченко, ҳаёт ва ижод йўллари узоқ йиллар давомида ўзбек

замини билан боғлиқ бўлган рассом В.Корнилов эса Ж.Изентаев асарлари замона-

Қишмиш-қидирмиш

«МЕНГА УЙИНГНИ
ИШОНСАНГ...»

Дилфуза (исмлари ва манзиллари ўзгаририлган) эшикнинг кўнгириги жирингидан уйғониб кетди. «Ким экан», ўйлади ичиди. Эринибгина туриб эшикни очди. Қараса, анчадан бери учрашмаган синфдоши Ниғмат экан. Ниғмат келишган ва жуда хушмуомала йигит эди. Икковлари ўтириб чой ичишди, мактаб даamlарини эслашди. Шунда Дилфуза бир нарсани эслаб, ўрнидан туриб кетди.

Ниғмат эса хайрон:

— Нима бўлди? — деди беихтиёр.

— Биласанми, Ниғмат, эсимдан чиқаёзибди, пастда бир дугонам қутиб турибди, шундоқина дафтарини олиб чиқиб бераман, ҳеч қаёққа кетмай тур, ҳўпми?

— Агар менга уйингни ишонсанг, — ҳазилмозу тиржайди Ниғмат, — бемалол чиқиб келавер, мен ҳеч қаёққа шошаётганим йўқ.

— Қизиксан-а дўстим, албатта мен сенга ишонаман. — Дилфуза шундай деганича уйдан чиқиб кетди.

Ниғмат ёлғиз қолгандан кейин нима қиларини билмай, уйининг орқа балқони-га чиқди. У ердан бемалол қўшни хонадон кўриниб турарди. «Ёмон эмас, ўйла-

ди Ниғмат, жуда бой туриши шундоқина билиниб турибди, ҳозир ҳаммалари ишда, ўқишда бўлишса керак...». Вақтни ганимат билган Ниғмат эпчиллик билан қўшни хонадонга ошиб ўтди. У ердан битта тилла зирак, сочқилар ва стол устида турган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларини олди. Бир пайт калитнинг шикирлагани эшитилди. Ниғмат тезроқ жуфтаникни ростлаб қолишни ўйлаб, яна Дилфузанинг хонадони томон ошиб ўтди. У ошиб ўтиши билан Дилфуза кириб келди. Ниғмат қизга бир иши чиқиб қолганини баҳона қилиб, тезлик билан у ердан кетди. Дилфуза эса хайрон бўлиб қолаверди. У шундай деб турганда қўшниси шовиллиб чиқди. Қўшнисининг айтишича, кимдир унинг уйига Дилфузанинг хонадони орқали кириб, айрим буюмларни ўғирлаб кетганимиш. Дилфуза ҳаммасини тушуниб етди ва ўйлаб ҳам ўтирмай «02» га қўнғирок қилди...

ҚИНФИР ИШ
ПАНД БЕРДИ

Дунёда инсондан-да онгли мавжудот йўқдир, айни пайтда ундан-да тубанроғи топилмайди.

Ҳожиакбар анчадан бери ишсиз, нима қиларини билмайди. Уйда бекорчи бўлиб

ЛИЗИНГ —
Фойдали иш

Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра «Ўзбек Лизинг Интернешнл АЖ» компанияси курилиш, енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари, хизматлар ва матбаа соҳаларида умумий қиймати 1,6 миллион АҚШ долларига тенг 8 та лизинг битимини тузди.

«Амалий алоқалар бизнеси ахборот маркази» МЧЖ ва Туркиянинг «Демир» корхонаси билан бир неча лойиҳалар муваффақиятли якунланди.

«Амалий алоқалар бизнеси ахборот маркази» МЧЖ Интерн. тармоғида хизматлар кўрсатиш, матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан чекланиб қолмасдан ўз хизматлари бозори ҳудудини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу мақсадда лизингга махсус ускуналар сотиб олинди. Бу ускуналар пойтахтнинг 6 та қўшимча телефон станциясида модем линиялари орқали мижозларга хизмат кўрсатиш имконини беради. Компания лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш билан бир пайтда ўтган йилнинг август ойида бошланган лизинг лойиҳасини жорий йилнинг июлида муваффақиятли якунлади.

Яна бир муваффақиятли лизинг лойиҳаси - Туркиянинг «Демир» корхонаси томонидан юқори ва паст босимда полиэтилен пленкалар ва пакетлар ишлаб чиқариш бўйича ускуналар сотиб олинганлигидир.

Маъмур компания Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган 14 та шўъба корхонаси ва бўлимларига эга.

Лизингга қўшимча ускуналар сотиб олиш корхонага маҳаллий бозорда мустаҳкамроқ ўрин эгаллаш имконини берди, ишлаб чиқариш самарадорлигини 21 фоизга оширди ҳамда 25 та янги иш ўрни ташкил этишга ёрдам берди.

ЎЗА

вий қорақалпоқ тасвирий санъатининг ёрқин кўринишини ўзида муҳассам этганини таъкидлашди.

Мутахассисларнинг фикрича, рассомнинг «45-йил аёллари», «Тўй», «Амударё киргоғида», «Ажинеъ портрети» ва «Бахор афсонаси» асарларида мавзуга чуқур кириб бориш аққол кўзга ташланиб туриши билан бир қаторда, уларнинг фалсафий маъмуни кишини қайратга солади.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА,
Москва

ўтиргани-ўтирган. Она бечора эса ўғлига насиҳат қилишдан ҳеч қарчамайди. Ҳожиакбар уйда ўтиравериб зерикди шекилли, дўсти бўлмиш Анварникига боришга қарор қилди. Хайрият Анвар уйда экан. У дўстининг келгандан қувониб тезда кийиниб чиқди ва улар қадрдон оғайинлари Дилшоднинг уйига йўл олишди. Мактаб пайтларида учовлон, ҳеч ҳам ажралмас дўст эдилар. Мактаб тугаб ҳаммалари ҳар қаёққа тарқалиб кетишди. Бунга қарангки Дилшод ҳам, Анвар ҳам худди Ҳожиакбардек ишсиз эдилар. Шу кун улар тўйиб даррлашдилар. Кеч бўлиб қолди. Уч оғайин ўрниларидан туриб кетаётганларидека, чайқалиб-чайқалиб юрган бир кишига, кўзлари тушди. Кўринишдан у «пиёнис-та»га ҳеч ҳам ўхшамас, уст-бошидан эса ўзига тўқ одамлиги билиниб турарди. Шунда Ҳожиакбарнинг миёсига «ажойиб» фикр келди. Унинг бу фикрини дўстлари ҳам маъқулладилар. Пайт пойлаб бориб халиги кишини уриб унинг 240.000 сўм пулини ва пойабзалини тортиб олдилар. Уларнинг ҳаракатини четдан кузатиб турган бир йўловчи эудлик билан милиция ва «Тез ёрдам»га қўнғирок қилди. Жиноятчилар ушланди, жабрланувчи шахсни эса «бош мия ёпиқ жароҳати» ташхиси билан касалхонага ётқизилди.

Феруза УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
маркази жамоатчи мухбири.

«КОРА ОЛТИН» КИММАТЛАШ-МОҚДА

Шу кунларда жаҳон нефть бозорида беқарорлик кузатилмоқда. Утган hafta Нью-Йорк ва Лондон савдо биржаларида бир баррель нефтининг баҳоси 44 АКШ долларига тенглашиб, кейин бироз пасайган эди. Бу hafta эса Нью-Йорк биржасида бир баррель «кора олтин» 45,44 долларга баҳоланди.

Соҳа мутахассислари бу ўзгаришни турлича баҳолаётди. Айримлар буни АКШ ҳукумати-нинг мамлакатда террорчилик хавфи ортиб бораётгани ҳақида яқинда эълон қилган баёноти ҳамда нефть захираҳиса бой Яқин Шарқ минтақасидаги нотинчлик билан изоҳламоқда.

Яқинда Ироқда жангарилар стратегик аҳамиятга эга қувурни портлатган эди. Бу нарх-навога таъсир ўтказмай қолмади. Бу қувур орқали Қирқуқ яқинидаги йирик нефть корхонаси маҳсулотлари Туркиядаги Жайхун терминалига етказиб бериларди.

Хозир ҳам Ироқда нефть қувурларида таҳдид қамайгани йўқ. Ан-Нажаф шаҳридаги қуроли гуруҳлар, АКШ ҳарбийлари уларга ҳужум қилгудек бўлса, у ердаги нефть қувурлари бутунлай вайрон қилинишини маълум қилган.

Харидорлар яқин кунларда нарх-наво пасайишига умид бўлмамоқда. Улар таклиф қўпайса, нарх тушади, деган фикрда. Аммо ОПЕК президенти Пурномо Юсганторо ташкилот аъзолари ҳозирча нефть казиб чиқаришни қўпайтирма олмаслигини маълум қилди. Бу масалани ОПЕКнинг 15 сентябрь куни Венада бўладиган навбатдаги анжуманида атрофлича муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ташкилот аъзоларининг айримлари ҳозирданок бозордаги вазиятни барқарорлаштиришга уринмоқда. Масалан, Саудия Арабистони кунлик нефть казиб чиқариш миқдори 1,3 миллион баррелга оширишини маълум қилди. Мамлакат нефть саноати вазир Али ан-Нуаймийнинг таъкидлашича, сентябрдан бошлаб Европа, Осиё ва Шимолий Америкада подшоҳлик нефтига бўлган кунлик эҳтиёж 9,3 миллион баррелга етади.

Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, нефть нархининг ошиши жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаяпти. Нефть талаб ҳам чамаланганидан ошиб кетаяпти. Айниқса, АКШ ва Хитойда. Маълум бўлишича, жорий йили Хитойда иқтисодий ўсиш 15 фоизни ташкил қилади. Бу энергетика маҳсулотлари, хусусан нефть талабининг ошишига олиб келади.

АКШ иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларига кўра, шу вақтгача дунёда нефть нархининг энг барқарор даври 1950-1973 йиллар оралиғида бўлган. Ўша вақтда бир баррель «кора олтин» 15-17 доллар сотилган. Маҳсулотнинг энг арзон даври эса 1988 йилга тўғри келиб, баррели 11 долларга тенг бўлган.

Ҳазилдин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Шулардан келиб чиққан ҳолда шахримиздаги энг сўлим Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Никох ва оила маросимлари маркази, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорликларида ўтказилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабининг 7-машғулотидан ҳам юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланди.

«Никох ва оила маросимлари» мавзусига бағишланган ушбу ўқув-машғулотидан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кафедра мудири, профессор Саодат Йўлдошева мавзу юзасидан маъруза қилиб, оила, фарзанд, никоҳнинг муқаддаслиги, оилавий маросимлар, ёшларнинг пок ва ҳақиқий муҳаббат эгаси, ибратли оила бошлиғи, бек ва бекаси бўлишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Ва йиғилганларнинг бу борадаги барча саволларига тўлиқ жавоб қайтарди.

Тадбирда шунингдек, «Тўй ва маросим қўшиқлари», «Сурнай сеҳри» каби бири-бириндан қизиқарли мавзулар бўйича Ўзбекистон Фанлар ака-

демиясы фольклор бўлими раҳбари, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев, карнай-сурнай гуруҳи раҳбари Аҳам Хожибоев,

Ўқрашувлар

ОИЛА — МУҚАДДАС

Оила — муқаддас кўрғон. Унинг ўзига яраша сир си-ноати, ўрганилиши лозим бўлган қонун-қоидалари, муқаддас аъёна, одобу ахлоқ меъёрлари борки, уларни билмасдан туриб хур, бахтиёр оила қуриб бўлмайди. Оиланинг азизу муқаррамлигини билмаганлар ҳаётда қоқилиб қоладилар, бу кўхна дунёнинг баланд-паст доволарида саргардон кезадилар. Шунинг учун ҳам кўнгилга тушган муҳаббат сабаб оила қурмоқни ихтиёр этганлар ёшликдан таълим-тарбия, одоб-ахлоқ меъонларидан дарс олган бўлишлари лозим. Буюк маънавий қадриятларимиз, расм-русум, аъёналаримизни, оиланинг — келажақ пой-девори, муқаддас гўша, оёйишта маскан эканини билиб улғайган бўлишлари керак.

мумтоз қўшиқлар ижроҳиси Жаҳонгир Мирзаев каби қатор созанда ва хонандалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар, дилдан сўхбат қуриб, бой ҳаётий тажрибаларидан мисоллар келтирдилар.

— Менимча, «Ёш оила қурувчилар мактаби» ўз олдига қўйган барча мақсад ва вазифаларга эришиб келмоқда, — дейди биз билан сўхбатда Саодат

Йўлдошева. — Сени диққат билан эшит-таётган аудиторияда маъруза ўқиш қанчалик маъқул бўлса, ушбу машғулот тингловчилари билан ўзаро мулоқотда бўлиш ҳам кишига завқ бағишлайди, зийрак ва айтиётган фикрларининг тезлик билан ўзлаштириб олаётган ёшларни кўрганда кўнглинг кўтарилади, эрта-мизнинг издошлари зукко ёшлар эканига иймон келти-расан.

— Асосий мақсадимиз, ёш оила қурувчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий саводхонлигини ошириш, — дейди Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Музаффар Жаъфаров. — Оила қонунчилиги, миллий урф-одат ва аъёналаримизни тарғиб қилиш, оилавий ҳаётга

тайёрлаш, соғлом оила яратиш, етук фарзандлар ўстириш асосларини тушунтиришдан иборатдир.

Тадбир ниҳоятда жонли ва мазмунли ўтди. Асосан Тошкент Давлат юри-дик, тиббиёт ва хотин-қизлар коллеж-лари талабалари фаол иштирок этган ушбу тадбирдан йиғилганлар бир олам таассурот, катта маънавий озиқ олди-лар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«ROYTAXT AUCTION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 21,24,28 сентябрь, 5,8,12,15,19,22,26,29 октябрь ҳамда 2,5,9,12,16,19,23,26,30 ноябрь кунлари ўтказадиган аукцион савдоларида

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Шароф Рашидов номидаги Халқаро жамғармага қарашли қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилади:

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AX 444 бўлган УАЗ 3303 русумли, 1 709 676 сўм бошланғич нарх билан;

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR 647 бўлган Нексия GLE русумли, 4 733 004 сўм бошланғич нарх билан;

— 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AE 010 бўлган Нексия GLE BO русумли, 5 967 701 сўм бошланғич нарх билан;

лан;

— 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AZ 209 бўлган Нексия GLE BO русумли, 8 165 408 сўм бошланғич нарх билан;

Ҳамда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 2-уйда жойлашган қурилиш тугалланмаган 3 қаватли Маъмурий маиший-мажмуа биносининг 1-қавати (ер тўласи билан), умумий майдони 368 кв.м., баландлиги 3,22 м бўлган, 12 368 980 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархдан 10 фоизи миқдоридида закат пулини «ROYTAXT AUCTION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА-00425, СТИР

204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUCTION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 6,17 август кунлари ўтказилган аукцион савдоларида:

Шайхонтоҳур тумани, «Лабзак» маҳалласи, Шоҳиди Тера кўчасида, майдони 0,04 га бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи, 1 950 000 сўмга;

Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчасида, ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи:

— майдони 0,03 га бўлган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун, 2 700 000 сўмга;

— майдони 0,02 га бўлган супермаркет қуриш учун, 2 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, энергия таркибий қисмларининг нархи ва тарифи бир неча бор ошганлиги муносабати билан 2004 йил 3 сентябрдан корхоналар ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси нархи ҚҚСни инобатга олмаганда 7820,0 сўм-Г кал, ҚҚС билан эса, 9384,0 сўм/Гкал қилиб белгиланди.

Тошкент шаҳар аҳолиси диққатига!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолиси-га маълум қиладики, энергия таркибий қисмларининг нархи ва тарифи бир неча бор ошганлиги муносабати билан 2004 йил 3 сентябрдан иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйдаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

марказий иситиш — 1 м² яшаш майдони — 114,0 сўм/м²/ой;

иссиқ сув таъминоти:

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1565,0 сўм/киши/ой;

— умумий қўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 785,0 сўм/киши/ой;

— Ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 360,0 сўм/м²/ой метёр

(3,2м²/киши/ой) чегарасида, ҳар бир м³ метёрдан оптиқ истезмол қилинган иссиқ сув учун 468,0 сўм/м³/ой.

«ИШЛАБ ТОП!»

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз лавдор, ишқорлар, гайратга тўла ёшларимиз. Бизга фидойи Сизнинг тажриба ва қўлинингиз етимишмиз. Гайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг яқин йўл.



TOSHKENT
SHAHAR
BO'IMI
AMOLOT



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақдир қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали ёлоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Хабарлар

ДАВОЛАНИШ
УЧУН
ГЕРМАНИЯГА

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Германиянинг “Фриденсдорф интернейшнл” халқаро ташкилоти ҳамда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида имзоланган шартномага кўра мамлакатимиздаги кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар бемор фарзандлари Германия клиникаларида даволаниш учун жўнатилди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Германиянинг “Фриденсдорф интернейшнл” халқаро ташкилоти ҳамда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида чет эл шифохоналарида ўзбекистонлик ногирон болаларни даволаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Шартномага кўра “Фриденсдорф интернейшнл” халқаро ташкилоти мамлакатимизда даволаб бўлмайдиган ва тиббий хизматга муҳтож ногирон болаларни Германияда даволанишини ўз зиммасига олган.

Германиянинг халқаро ташкилоти 1967 йили ташкил топган бўлиб, дунёдаги 25 дан ортиқ давлатлар билан ҳамкорлик қилади. 2002 йилдан буён Германия шифохоналарида ўзбекистонлик 28 нафар болалар даволаниб қайтишди. Ҳозирда 8 нафар бола даволанишни давом эттирмоқда.

Бундан ташқари, “Фриденсдорф интернейшнл”нинг молиявий кўмаги ёрдамида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси “Меҳр ва мурувват йили” муносабати билан 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари 140 нафар бўлган бемор болаларни операция қилиш режалаштирилган.

ОГОХЛИККА
ДАЪВАТ

Тошкент Ислом университетида мамлакатимиздаги олий ўқув муассасаларининг “Маънавият ва маърифат” бўлими янги бошқариш учун навбатдаги ўқув-малака ошириш семинари ўз иштини бошлади.

Тошкент Ислом университетида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи ўқув малака ошириш курсларида жамоат ва давлат ташкилотлари ходимлари ўз билимларини чуқурлаштиришмоқда. Ҳозиргача бундай семинарларда 4,5 минг тингловчи диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, диний экстремизм ҳақидаги маърифат билан курашиш борасида ўз билимларини оширдилар.

Семинарда ақидапарастлик ва террорчилик иллатларининг моҳияти, диний экстремистик ҳаракатларининг асл мақсади ва уларнинг олдини олиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр юритилди. Бу борада лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймаслик, мавжуд таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш ва турли ноҳус ҳолатларнинг олдини олишда мураббий ва профессор-ўқитувчиларнинг масъул эканликлари қайд этилди.

“Туркистон-пресс”

Муносабат

СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ёзнинг жазирама палласи, қуёш ўз тафтини беаёв таратаётган бир пайтда, инсон беихтиёр соя-салқинга, ховузу ва қўлларга таппинади. Кўпчилик тоғ ёнбағирларига ошиқади. Ёш болалар ҳам хоҳ кичик бўлсин, хоҳ катта бўлсин, ариқ ва каналларга ўзларини уради.

Ким сув тагида кўп туриш, ким узоқ сузиш ва яна ... Хуллас улардан бахтли инсон йўқдек гўё. Ҳўш, бу болаларни шу ариқларда чўмилиши фойдалими? Уларга бир нима бўлса, ким жавобгар бўлади? Бу болаларнинг шодлигини кўриб, дилинг қувнайди. Аммо, узоқроқ бормай, болаларнинг чўмилаётган жойидан 50 метр юрсангиз, кифоя. Кўнглингиз айнамаса, ҳеч бўлмаганда юзингиз буришади. Ҳар хил ахлат чиқиндилари, пўчқоқ қолдиқлариға кўзингиз тушади. Тавба, кўча-кўйга кўллаб ахлат қутилари қўйилган бўлса ҳам баъзилар негадир чиқиндиларни сувга ташлайдилар. Бу ариқ-каналларнинг айнан қай бирида дерсиз. Ҳозирги пайтда бемалол айтишимиз мумкин. Тошкент шаҳридаги барча канал-арикларнинг 95 фоизи ифлос ахлат чи-

қиндилари билан тўла. Буларга бемалол Бўрижар ва Кўкча каналларини келтиришимиз мумкин. Яна савол туғилиши мумкин. «Бу кимнинг иши?». Албатта, бу бизнинг ишимиз. Айниқса кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ахлат чиқиндилари борми, барини олиб чиқиб, ариқларга улоқтиради. Ваҳоланки, ўша ариқларда уларнинг ҳам фарзандлари вақти келиб чўмилиди. Ўз фарзандлари чўмилмаса ҳам, қўшинсининг, ака, опа, ука, синглисининг фарзанди чўмилиши мумкин. Бу эса ёш болалар учун жуда катта хавфдир. Ифлос чиқинди ташланган сувда бола чўмилиди. Оқибатда у қаттиқ ичак инфекциясига ёки бўлмаса, тери касалликларига учраши табиий ҳол-ку! Бундан фақат болалар азият чекмайди-ку, фақат болалар йиғлашмайди, фақат улар-

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши ҳамда ҳаракат қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази, «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ёз давомида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида туманда жойлашган маҳаллаларда «Энг тоза уй», «Маҳаллам ариқлари», «Маҳаллам кўчаси», «Энг тоза йўлак» акциялари амалга оширилмоқда.

«Камолот»

МАРОҚЛИ ДАМ
ОЛИШМОҚДА

Лойиҳани ўтказишдан асосий мақсад эса шаҳар кўчаларини ободонлаштириш, маҳалла болаларини бирлаштириш, улар онгида меҳнатсеварлик туйғусини уйғотишдир.

Туманда жойлашган маҳаллаларда ёз давомида маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, туманда истиқомат қилувчи ёшларнинг таътил даврида мароқли дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлаш ва фаолиятларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, ёшлар ўртасида спортнинг миллий ва оммабоп турларини ривожлантириш мақсадида туманда жойлашган маҳаллаларда «Кўча оммавий спорт» уйинлари ўтказилди.

Мусобақаларга спортнинг футбол, кросс, арқон тортиш, эстафета, волейбол, арқонда сакраш, айлана айлантириш, бадминтон, шахмат-шашка турлари бўйича 6 ёшдан 16 ёшгача ёшлар жалб этилди.

Спорт уйинлари якунида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши томонидан иштирокчиларга эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Шунингдек, ёз ойлари давомида Тошкент Ислом университети, Тошкент Санъат институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент Маданият институтининг фаол талабалари билан ҳамкорликда туманда жойлашган маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий талбирлар амалга оширилди. 51, 86, 250-мактабда ташкил қилинган ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган ёшлар учун қизиқарли учрашувлар ва ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди. Халқаро гиёвандликка қарши кураш кунини муносабати билан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган спорт мажмуасида туманлараро «Ёш ватанпарварлар» спорт мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақада Юнусобод туман жамоаси 1-ўринни эгаллади.

«ALIANS SINEMA» кинотеатрида эса туманда истиқомат қилаётган ёшлар учун ҳозирги кунда учрайдиган муаммоларнинг вужудга келиши ва уларни қай йўсинда ҳал этиш масалаларига боғлиқ учрашув ва семинарлар ташкил этилди ва кинофильмлар намойиш қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

Билиб қўйган яхши

УЛУҒЛАР ҲАЁТИДАН
ЛАВҲАЛАР

• Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино 10 ёшида Қуръонни ёд билган, грамматика, стилистика, поэтика фанларини ўрганган.

• Мирзо Улуғбек 15 ёшида Мовароуннахр мамлакатига ҳокимлик қилган.

• Абу Райҳон Беруний 22 ёшида «Хронология» номли асарини ёзган.

• Машҳур бастакор Моцарт 5 ёшида мусиқий асарлар ёза бошлаган, 11 ёшида опера битган. 16 ёшида отаси билан Австрия, Германия, Франция, Италия мамлакатларида концертлар намойиш этиб, томошбинларнинг олқишига сазовор бўлган.

• Улуғ олим Ампер 14 ёшида Дидронинг 20 жилдлик энциклопедиясини ўқиб чиққан. Даламбернинг ҳамма асарларини ўқиб, ҳатто, унга баъзи ўзгаришлар киритган.

• Б.Паскаль 16 ёшида ўзининг номи билан аталган машҳур «Паскаль теоремаси»ни кашф қилган.

Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.

Табиат ажойиботлари

ОЁҚДАГИ ҲАЛҚА

Асрлар оша одамлар қушларнинг кўчиб юриши ҳақида ўйламас ва қушлар одам қўли етмайдиган жойларга кириб қишлайдилар, деган фикрга ишонардилар. Бундай тушунча VIII асргача сақланиб келди. Ҳаттоки буюк швед табиатшуноси Карл Линней ҳам шундай фикрда эли.

Кейинчалик олимлар ҳар хил қушларнинг кўчиб юриш йўллари аниқлаш усулларини топдилар ва уни дунё харитасига туширдилар. Бунда олимларга қушнинг оёғига кийгазиб қўйилган металл ҳалқа кўл келди.

Даниялик ўқитувчи Мартенсен 1899 йили қушларни ҳалқалаш гоёсини биринчи бўлиб кўтариб чиқди. У илк бор қушларнинг қанчалик масофага миграция қилишини билиш учун уларнинг оёғига ҳалқа кийгазди. Ҳаммаси бўлиб Мартенсен 102 та қушни ҳалқалади ва унга ўз манзилини ёзиб қўйди. Илмий мақсадлар учун қушларни ана шундай ўзига хос паспортига гоёсини бутун дунё зоологлари қабул қилди. Ҳозирги кунда деярли барча мамлакатларда қушларни ҳалқалаш

марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳалқаланган қушлар кўпинча табиатшунослар томонидан ушланади ва маъмур қуш ҳақидаги, яъни ҳалқадаги ахборотлар ҳалқалаш марказига жўнатилади. Бундай илмий ахборот орқали олимлар қушларнинг миграция йўллари, қайси бир юртда қишлашини, шунингдек, баҳорда қурган инига қайтиб келиши каби саволларга жавоб олади.

Бошқа тур ҳайвонларни ҳам шу усулда ҳалқалаш ёки тамғалаш орқали ўта муҳим маълумотлар олиш мумкин. Масалан, китларни овлашда уларнинг миграция мuddатини ва йўллари билиш ов самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
ўзбекистон
133-28-95, 133-11-39;
факс (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма таъриф, эффект усулида босилган.
2812 нускада босилди. Қўноқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият этикизи бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилади ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси.
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.